

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСIIY BA ҲУҚУҚIIY ГАЗЕТАСИ



ЯНГИ ИНШООТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Президент Ислам Каримов пойтахтимизни ободонлаштиришга ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келади. Мамлакатимиз раҳбарининг таклифи билан Тошкентда кичик ҳалқа йўлини бунёд этишга киришилган эди. 2001-2002 йиллари йўлсоз ва кўприксозорларимиз 32 километрик мазкур йўлнинг дастлабки икки босқичини фойдаланишга топширди. Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида унинг 8,7 километрик арасида қисми ҳаёт бўлиб, Амир Темури кўчасидан бошлаб, икки вокзални болаган ҳалқа йўли Мирзо Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесилган жойга тутади.

Бунёдкорлар бу ишни 6 ойда бажаргани тахминга сазовордир. Бу вақт давомида ҳалқа йўлининг ён-атрофи ободонлаштирилди.

27 август кuni Президент Ислам Каримов Мирзо Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесилган жойда бунёд этилган кўприкни бо-риб кўрди.

Мамлакатимиз раҳбари мутасаддилар билан суҳбат чоғида кичик ҳалқа йўлини қуришдан мақсад шакл бўлаб ўзлашув ҳаракатининг имкониятини яратиб эканлигини таъкидлади. Хисоб-китобларга кўра, Тошкентнинг бир четидан иккинчисига етиб бориш учун узоғи билан 45 дақиқа сарфланиши керак. Лекин шу вақтгача бундай имконият йўқ эди. Мазкур лойиҳа ҳақида биринчи бор гап чиққан пайтда минг кишига 65 шахсий машина тўғрисида бўлса, ҳозир бу кўрсаткич юздан ошиб кетган.

Чорраҳаларда қулай ҳаракат учун шароит яратиш зарурати экологик тозалик ва ҳавфсизлик масалалари нуктаи назардан ҳам муҳим эди. Кўчалардаги ҳаракат тизимини янада яхшироқ қўриқтириш, ён-атрофдаги муҳитга салбий таъсир кўрсатади, ҳалокатлар эҳтимолини оширади.

Президентимизнинг ҳаётида ўз аксини топаётган ушбу ташаббусдан Тошкент аҳли ва меҳмонлари жуда миннатдор. Янги йўллар пойтахт чиройини очиб, қулайликлар тўғрисида қолмай, шаҳарни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳам хизмат қилади.

Ислам Каримов одатда аввал йўл барпо этилиб, кейин ён-атрофига уй-жой ва бошқа иморатлар қурилиши лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Тошкент эса 1966 йили эришилган кейин аниқ ва пухта режасиз тикланган. Шу боис ҳам бинолар ва йўллар жойлашувда номуносиблик мавжуд эди. Бугун пойтахтимизда бу муаммо муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари шу ерда пойтахтга



янги олиб келинган "Мерседес" русумидаги автобусларни кўздан кечирди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтини ҳам бориб кўрди.

Шу йилнинг 22 майда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган бу олий ўқув юрти ўз соҳаси бўйича Марказий Осиёдаги ягона илм даргоҳидир. Унда божхона ишининг барча соҳалари бўйича таълим берилади. Илмий-тадқиқот, маънавий ва маърифат, ҳалқаро алоқалар, молия-иқтисодий каби қатор бўлинмалар ҳамда амалий машғулотлар учун ташкил этилган майдончалар тингловчиларга касб сирларини чуқур эгаллаш, фаолият кўникмаларини ҳосил қилиш имкониятини беради.

Божхона статистикаси ва ахборот технологиялари хонасида божхона органларининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, институтда криминалистика, савдо алоқаларини назорат қилиш

каби қўллаб-қувватловчи бўйича кафедра ва лабораториялар ташкил этилган.

Мамлакатимиз раҳбари ҳозирги шароитда малакали ёш кадрларга эҳтиёж катта эканлиги, шунинг учун мазкур институт ташкил этилганини таъкидлади ва бўлажак божхоначиларга муваффақият тилади.

Президент Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг Савдо ва кўргазма марказида ҳам бўлди. Бу ерда мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағиш-лаб ташкил этилган "Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти" мавзусидаги кўргазма ишлаб турибди.

Ислам Каримов марказга кираверишдаги залда Ўзбекистонни, иқтисодий салоҳиятимизни акс эттирувчи экспозиция ташкил этиш мақсадида мувофиқлигини айтди. Чунки, қайси давлат фирмаси ва компанияси бу ерда кўргазма уюштирмасин, келган меҳмон, аввало, Ўзбекистонда эканлигини ҳис қилиб туриши керак.

(ЎзА).

—Болажоним, тўйга тайёргарликни зўр қилишимиз керак, — деди Зиёдулло бобо Эшмонов.
—Қандай тўйни айтасиз бобо, — деб сўради набираси Озодбек.
—Қатта тўйни билмайсиз-да! — Сизларга суннат, никоҳ тўйи бўлса бўлган. Ахир Она-Ватанимиз узра ҳуррият наслири эса бошлаганига 12 йил тўлаяпти. Ўзбекистон мамлакат бўлди. Ўзбекистон овоз бўлди. Болам, ўша йил сен туғилган эдинг. Исмнинг ҳам қарамликдан овоз бўлганимиз учун Озодбек деб қўйганимиз. Бугун, сен ҳам ўсмир йигит бўлиб қолдинг. Э болажоним-ей, тўйнинг энг каттаси, энг зўри Мустақиллик кўни байрамидир. Бу кўнларга етганлар бор, етмаганлар бор. Бундай, ҳозир, ўйлаб қарасам Мустақилликни эъзозлаб, ўша йил туғилган чақалоқларга Озод, Эркин, (Озода, Эркиной), Хуррият деб исм қўйганлар қизлогимизда анчагина экан...

ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИГА ЙЎҒРИЛГАН ВАТАН

Айнан, нима учун бобо ва набиранинг бу суҳбатини биз фикримизга асос қилиб олдик? Чунки, Мустақилликнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етмаган айрим кишилар, бу улуг неъмат осонгина қўлга киритилган деб ўйлаб қараш ва унга ҳоҳида паст назар билан қарайдилар.

Қадим замонда бир доғишманд шоғирдларидан: —Дунёда энг бахтли ва энг тўтти нарса нима? —деб сўрабди.

Шоғирдлар бу саволни ўзларича турлича шарҳлабдилар. Бирлари муҳаббат деса, бошқалари фарзанд, ота-онани, соғлиқни, бойликни, амални, турфа хил ноз-неъматларни, табиатнинг сулим масканларини, ҳатто қушлар ва гулларнинг зийнатларини мисол келтиришди.

Шунда доғишманд дебди: —Сизлар тилга олиб, айтган нарсаларингизнинг ҳаммаси ҳам яхши, булар сўралган саволнинг бир жиҳатини ташкил этади. Одатда ҳар қандай бахт ва тўтилик, бу — Озодлик, Эркинлик ва Хурриятгина ўз қад-қимматини топади. Шерият сўлтони, улуг бобомиз Низомиддин Мир Алишернинг қаламларига мансуб бўлган бир сўрат ва унинг тепасига ёзиб қўйилган ибора бор: "Занжирбанд шера — енгаман дер". Бу иборадан фалсафанинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, бу ёввойи ҳайвонга тўтқунликда қанчалик "марҳамат" кўрсатилмасин, буларнинг ҳаммаси, фақат, биргина Озодликка эришмайди. Де-

макки, шер барибир ҳам занжирни узиб, тўтқунликдан қутулишни, овоз бўлишни орзу қилади.

Зеро, бу—бор гап. Одамнинг муқаддас китобларда таърифлаб, Оллоҳ таоло: "Барча махлуқотлар ичидан Одамни азизу муқаррам қилиб яратдим", деган. Хўш, шу одамлар қандай қилиб, бошқа бировларга қарамликда, тўтқунликда бахтли яшайиш мумкин?

Мозийга назар солиб, ўз тарихимиз ва ўтмишимизни таҳлил қилар эканмиз, бу табарруқ замин — Ватанимиз кўп бор босқинчилар томонидан тоғталганини кўраимиз. Искандар Зулқарнайин бошчилигидаги грек-македонлар, араблар, Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар ва ниҳоят Чор Россияси она-заминимизни босиб олиб, бу юрт халқларини ўз тобелигига сақлабдилар. Спитаман, Широқ, Тумарис, Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур каби шу юртнинг мард-баҳоирлари босқинчиларга қарши аёвсиз курашдилар. Улар гоҳ енгиб, гоҳ енгиллиб бўлса-да жасорат кўрсатишди. Айниқса, дунё Ислам оламида Кубаровия тариқатига асос солган, улуг шайх ва авлиё Насриддин Кубро ҳам Чингизхон қўшинларига қарши жангда шахид кетганлар.

Бу кўнларга етмаганлар бор, дейилганида, ўнлаб, юзлаб, минглаб шу табарруқ юрт овозлиги йўлида қурбон бўлганларни албатта ёдга оламиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

ЮКСАК ЭҲТИРОМ

бунга мустақиллик шарофати билан санъат аҳли орасида биринчи бўлиб Зиқир Муҳаммаджонов эришди.

Ҳар қандай талантли санъаткорни "машҳур бўлиб кетиш" ҳавфи таъбиб этиб юрди. Бу ҳавф унга санъатдаги илк қадамларидан оқибатда. Ундан энг иқтидорли санъаткорларгина қутулиб қолади, аммо улар ҳам бир кун кўлга тушиб қолиши мумкин: 38 йиллар ўзбек театри томошабинлари "Аваз" спектакли намойишидан сўнг ёш актёрлар қаторида Ўбайдулла родини мейвеси етказиб талқин этган Зиқир Муҳаммаджонов исм-шарифли талантни кашф этишди.

Қарангки, ҳали биз айтган таъбиб ана шу кўндан бошлаб Зиқир ақанинг ҳам ортидан эргашади. Айниқса у, Мақсуд Шайхондиннинг "Жалолиддин Мангуберди" фоҳиаси асосида яратилган спектаклида Темур Маликни ижро этган, Зиқир ақа ҳарактерида боғи ҳавф янада буй кўрсатиб қолади. Бу ҳақда: "Аслида Темур Маликни қўйилган ижро этмаган бўлсам ҳам, ўз-ўзимга юқори баҳо бериб юбордим шекилли, ҳаволанганим сезган устозим, раҳматли Аббор ақажиллаб даққи берганлар. Шу-шун бўлди-ю ўзимни босиб олдим. Хуллас, сиз айтган ҳавфдан мени Аббор Хидоятлов кутқариб қолган. Шундан кейин бирин-кетин катта кичик ролларни ижро этдим. Тангилдим. Энди билсам, актёрнинг обрўси ўз-ўзига берган баҳосида эмас, балки яратган роллари халқ томонидан қабул қилиниб, эътироф этилишида экан", — дейди у кишининг ўзи.

Дарҳақиқат, бу қадимий, исбот талаб қилмайдиган меzon. Биз Зиқир ақани Жалолиддин (Иззат Султоннинг "Алишер Навоий" асари), Шекспир (Гоголнинг "Ревизор" асари), Бенволло (Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" асари), Фердинанд (Шиллернинг "Макр ва муҳаббат" асари), Борис (Островскийнинг "Момкалдирик" асари), Деконбой (Абдулла Каҳҳорнинг "Шохи сузана" асари), Роллер (Шиллернинг "Карокилар" асари), Ромеш (Робинзонднинг "Ганг дарёсининг қизи" асари), Хофиз (Аббаснинг "Шамсикаҳҳар" асари), Сейран (Ширванзодиннинг "Номус" асари), Бойтемур (Чингиз Айтматовнинг "Саркомат дилбарин" асари), Буридан (Александр Дюманинг "Ажал миносари" асари), Самандар (Асқад Мухторнинг "Самандар" асари), Беруний (Уйғуннинг "Абу Райхон Беруний" асари), Навоий (Иззат Султоннинг "Алишер Навоий" асари), Жамол (Эркин Воҳидовнинг "Истамбул фоҳиаси" асари), Минини (Шекспирнинг "Кориолан" асари) каби ролларда қайта-қайта қўрганмиз. Турли соҳада ишлайдиган, феъл-атвори ҳар хил одамлар талқини орқали таниганимиз. У киши иштирок этган асар намойиш этиладиган кўни театр даргоҳи тўлиб-тошганини биламиз. Халқ муҳаббатининг белгиси ҳам шу бўлса керак.

Бинобарин, Зиқир ақанинг ижоди адабий доираларда ҳам етарли даражада баҳосини олган. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида эса у киши қўлга киритган Олий нишон — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони бўлди.

"Ўзбекистон Қаҳрамони" бўлганими метрода — умуман менга нотаниш бўлган икки аёлдан эшитдим. Улар мен эски кадрдонлардай самимий таъриқлашди. Шундан



сўнг бошқа йўловчилар ҳам бу табрикка қўшилишди, — дейди у киши.

—Бунинг ажабланидиган ери йўқ. Чунки Сиз халқ назаридаги одамсиз. Шундан ҳам сизнинг қувончингизга биринчи бўлиб оддий одамлар шерик бўлишган...

—Халқда бир гап бор: "Театр — муқаддас даргоҳ". Савол туғилди: ҳўш, театр қандай муқаддас даргоҳ бўлсин? Гап шундаки, бу жойга келган одам маънавий покланмасдан кетмайди. Шунинг учун ҳам қадимий юнлар актёрларни эъзозлаб бошларига кўтаришган. Не тонги, мустақиллигимиздан сўнг жамиятимиз тубдан ўзгарди. Одамлар ўзарда. Одамларнинг руҳи ўзгарди. Маънавий покланиш деган тўшунча давлатимиз сиёсатида эъзозлаб тилга олинмаган атамгага айланди. Ҳамма жойда, ҳамма жойда мустақиллик шўқуқи — янгилиниш, покланиш дари бошланди.

Бу жараёнда театрнинг, хусусан, актёрларнинг ўрни бекиёс бўлгани сир эмас! замон руҳига мос асарлар, роллар талқини орқали кишилар онгига рўй бераётган покланиш, янгилиниш, ўзликини англаш жараёнларини тезлаштиришда фаол иштирок этиб келишмоқда. Бунга жавобан ҳукулатимиз ҳам мислсиз имкониятлар яратиб берди. Мен сизга айтсам, 67 йиллик ижодий жараёнда мустақиллик шўқуқи — янгилиниш, покланиш дари бошланди.

Менга берилган бу юксак муқофотни бундан сўнгра ақининг юқорида айтганим — покланиш дари жараёндаги хизматларида кўрсатилган юксак эҳтиром, деб биламан.

Саидолмис Абдураҳмонов, "Адолат" муҳбири.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллик байрами билан Ўзбекистон халқини, барча сафдошларимизни, партияимиз фаолларини, хайрихоҳларини чин дилдан табриқлайди. Келажакти буюк давлат — Ўзбекистонимизнинг эртанги истиқболни йўналиш амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишларига ривож тилайди.

Байрамнингиз муборақ бўлсин азиз юрдашлар!

Бугун Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз ишини бошлайди

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Кеча Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлисидаги депутатлар фракциясини йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси муносабати билан депутатлар фракциясининг навбатдаги вазифалари муҳокама қилинди. Фракция раиси, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, академик Турғунпўлат Дамонов фракциянинг сессияга тайёргарлик жараёни ва сессия кун тартибига киритилган масалалар юзасидан ахборот берди. Сўнгра Олий Мажлисининг Қонун-

чилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Омон Олимов сўзга чиқиб, қатор қонун лойиҳаларига киритилган ўзгаришлар ҳақида гапириб, улардаги янгиликлар ва қулайликлар хусусида тўхталди. Мажлис катнашчиларини қизиктирган қатор саволларга агар қўйилган жавоб қайтарди.

Йиғилганлар парламентнинг XII сессияси муҳокама-сига киритилган қонун лойиҳаларини тўла маъқул-

ладилар ва уларнинг айрим ларига депутатлар фракцияси аъзолари билан партия Сиёсий Кенгаши фаоллари иштирокида яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда қатор таклифлар киритилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда партия Сиёсий Кенгаши билан депутатлар фракциясининг иккинчи сессия оралиғидаги фаолияти ҳам муҳокама этилди.

Фракция йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ, "Адолат" муҳбири.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗЛИКНИ ИДРОК ЭТИШДАН БОШЛАНАДИ

—дейди Урғут тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ

Бугун жамият ҳаётини эркинлаштириш, қонунлар халқчиллигини таъминлаш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий йўналишлари сифатида қаралмоқда. Бу бежиз эмас. Жамият тараққийнинг бугунги босқичи онгли фуқаролик муносабатларини, озоод фикр ва эркин ҳаракатларни тақозо этмоқда.



—Шу нуктаи назардан Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси мамлакат ҳаётини демократлаштириш сари қўйилган яна бир катта қадам бўлмоқда. —дейди Урғут тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ.

НУРУЛЛАЕВ биз билан суҳбатда: —Чунки халқнинг ҳоҳиш-ироди, яхши нафаси, эътибори ҳар қандай давлатнинг ҳаёт тартибига таъсир қилиши шарт. Шундай шароитда нодавлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолияти қучайтириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётини яхшироқ қилиш, уларнинг аҳамияти кўб эътибори билан таъкидланган фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат бошқаруви идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатишга интилаётганлиги, ўз ҳуқуқ-ваколатларидан тобора кенгроқ фойдаланаётганлиги эътиборга лойиқдир. Далил излаб ўзқўла боқилиши кераги йўқ. Урғут тумани мисолида бунга аниқ ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бугун Урғут туманида 12 та кишлоқ фуқаролик йиғини, 102 та маҳалла фуқаролик йиғини, ўнлаб нодавлат ташкилотлари қонунлар доирасида эркин фаолият юритмоқда. Туман ҳокимлиги ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатларини амалга оширишлари учун зарур чораларни қўяпти. Йилгари фақат ҳокимлик доирасида қўриб чиқилган ариза ва шикоятлар энди бевосита фуқаролик йиғинларида қабул қилиниб ҳал этилапти. Маҳаллалар марказини барпо этиш, мактаб, кутубхона, бозорлар очиб, янги иш ўринларини яратиб сингари долзарб, ҳаётини масалалар бошқарувида яна шу кўйи бугунларда ўз ечимини топапти.

Туманда истиқлол байрамининг 12 йиллигига атайин 12 та маҳалла маркази барпо этилди. Тошарик маҳалласида янги бозор очилиб сақланган, 200 киши иш билан таъминланди. Қўс қўшқор фуқаролар йиғини ҳудудда 360 ўринли ва Ҳўжағўз маҳалласида 270 ўринли янги мактаб бинолари ҳашар йўли билан қал ростлади.

Маҳаллаларда қурилиш ободончилик ишлари ҳозир ҳам жадал давом этмоқда. Хусусий қорхоналар эгалари, тадбиркор фермерлар бу борада астойдил қўламоқда бўлишмоқда. Чунки улар маҳаллани Ватан ичиди Ватан деб билишди. Ўз муаммоларини шу ерда тинглаб ҳал этишларига ишондишди. Ислохот деб аталмиш улкан сафарбарлик шу ерда томир ёзиб мамлакатни обод қилишни тегар ҳис этишди. Демократиянинг энг катта ютуғи ҳам шунда.

Зиқир ТУРАҚУЛОВ, "Адолат"нинг ўз муҳбири.

ВАТАН РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мана Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигини қўлга киритганига ҳам 12 йил тўляпти. Ана шу йиллар мобайнида юртимизда жуда кўп қонунлар қабул қилинди. Улар халқ фаровонлиги, Ватан равнақи учун хизмат қилганлиги албатта.

Масалаларга шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, бугун очилмайдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги XII сессияси кун тартибига Ватанимиз ва халқимиз учун ниҳоятда фойдаланиб бўлган муҳим ҳужжатлар муҳокама қилинган.

Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги масала янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўллаган сўз тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашиларига сўз тўғрисида"ги, Қўнғидаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнғидаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Регламенти тўғрисида"ги, "Хусусий иш, меҳнатининг аямий ҳизмат қилган. Аммо шифокор малакали бўлса, қарақли ас-боб ускуналар, замонавий доридормонлар етиштишга қўлланган

мақсадга эришиш қўйин. Шунинг билан тўтган Президентнинг, Олий Мажлис депутати Давлат бюджетда соғлиқни сақлаш тизимига қатъий эътибор беришга тўғриватди. Ўзбекистоннинг ҳамма ерида, хусусан Фарғона туманида аҳоли соғлигини сақлашда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Туман марказидагина эмас, ҳатто тоғли кишлоқлардаги врачлик пунктларида ҳам энг замонавий техника воситалари беморларга тўғри ташвиш қўйиб ва уларни ортқига ҳаракатлар қилиш шўрларини ўзида даволашда кўп қўламоқда.

Очиги сессия кун тартибига қўйилган бошқа масалалар ҳам долзарблиги жиҳатидан бир-биридан қолишмайди. Шундай экан, ҳар депутат уларни жўшқинлик ва ишчанлик билан муҳокама қиладилар, деб ўйлайман. Зеро бугун, эрта қабул қилинадиган барча Қўнғилар ва бошқа ҳужжатлар мамлакат тараққийига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамароз МАМАЖОНОВ, Фарғона тумани соғлиқни сақлаш бўлими мудири, Олий Мажлис депутати.

ЎН ИККИ БАҲОРИМ, ЎН ИККИ ОНИМ — МУЧАЛ ТҲЙ МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЭЪТИРОФ

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларига келиб социалистик жамият инкирозига юз тутди. Коммунистик мафкуранинг 70 йиллик ҳукмрон даври таъназулга учраб, унинг таркибига кирувчи республикалар тақдири аянчали аҳволга келиб қолди. Бошқарув тизими издан чиқди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Балки бу — шўролар ҳукуматининг давлат қурилмасидаги илгаш қийин бўлган заифлик — халқларни асоратда тутишнинг ёрқин инъикоси эди. Бунинг йиллар урф-одатлари, тили ва дини, азалий қадриятлари поймол этиб келинган ўзбек халқи мисолида ҳам кўрса бўлади. Яъни, аждодларимиз қолдирган дурдона асарлар ташиб кетилиши ёки йўқ қилиниши, тарихимизнинг ўчмас зарвараклари сохталаштирилиши ва бузиб талқин этилиши натижасида минг йиллик маданий меросимиз, маънавий салоҳиятимиз ёвузлик исканжасида қолди. Халқимизнинг илгор зиёли вакиллари вақти-вақти билан ҳибсга олиниб, қатагон қилиндилар. Охир-оқибат халқнинг сабр касоси тўлди. Халқимиз бундан кейин бу каби ёлгон ва зўравонликка қурилган беъмаъни тузумда яшай олмаслигига кўзи етди...

Айниқса, "қайта қуриш" деб аталган сафсата сиёсат ўзининг найрангбозлиги билан халқнинг келажакка бўлган ишонч-сизлигини ошириб юборди. Шундай бўлсада емирилиб бораётган марказ янгидан-янги номақбулликларни уйлаб топишга, қандай бўлмасин собиқ Иттифоқни сақлаб қолишга тиш-тирноғи билан тиришар эди. Бунинг 1986—1989 йилларда республикамизга Москва юборган қонун "десантчи"лари мисолида ҳам аққол қуришмиз мумкин. "Ўзбеклар иши", "пахта иши" деб, атайлаб уйлаб чиқарилган тухмат балоси оқибатда қандадан-қанда тақдирларнинг ҳаёт йўли зулматга айланди.

Худди мана шу тахлиқлар беҳаловат қуларда илгор зиёлиларимиз ва демократик қучлар ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан бирмунча фаоллашдилар. Худди шунингдек, Ўрта Осиё раҳбари — Исрол Каримов ҳам ҳаёт ўртага ташлаган ва жафокан халқ қутиб турган долзарб масалаларни таҳлил қилишга киришиб кетди. Улар энг аввало, илгор зиёлиларимиз ва демократик қучларга таяниб, қўллаб-қувватлаб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига, шу билан мустақилликнинг биринчи пойдеворини яратиш ишини бошлаб юбордилар. Холбуки ўша пайтда ҳам ўзбек тилининг ижтимоий ҳаётда қўлланилиши чеклаб қўйилган, давлат тили ҳақида гапириш умуман мумкин эмасди. Шунга қарамай мамлакатимиз раҳбари Исрол Каримов бошчилигида юртпарвар зиёлиларимиз жамиятни қайта қуриш — миллий эътиборни аниқлаш, қадимий қадриятларни юзага чиқариб, маънавий покликнинг даврини бошлаб юборишди. Унинг натижасида Республика Олий Кенгаши 1989 йил 21 октябрда "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида" қонун қабул қилди. Ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча баҳаларида ўзбек тилининг тўла амал қилиниши қонун йўли билан белгиланган бўлди. Бу қонуннинг қабул қилиниши марказдан келган гайриниёти қадрлар фаолиятини зарб берди ва батамом чек қўйди.

Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганидан кейин миллий давлатчилигимиз тарихида яна бир оламшумул воқеа рўй бердики, уни ҳаяжон ва тўқинланмасдан айтиб бўлмайди. 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII қириқ биринчи сессияси Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви жорий қилиб, ушбу лавозимга Исрол Каримовни муносиб топди. Шу тариқа ҳуқуқий ва демократик давлат қуришнинг дастлабки устунилар мустаҳкам ўрнатилди. Бир оздан сўнг (1990 йил, 20 июнь), "Мустақиллик Декларацияси"нинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Мустақиллик сари иккинчи қадамини ташлади.

Шундан кейин Президент раҳбарлигида иккинчи ҳуқуқий ҳар томонлама поймол этилган мамлакатни тиклаш, халқнинг қаддини кўтариш мақсадидаги ҳаракатлар бошлаб юборилди. Дастлаб, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш учун уларга қўшимча томоқлар берилиб, ойлик маошлари оширилди. Ташқи иқтисодий алоқалар масаласида ҳам бир қатор хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилди. 1991 йил 31 августда Олий Кенгашнинг навбатдан таш-



— Биз юксалишимиз бу йўлни бежиз танлаганимиз йўқ, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутаты Мирзамаршб Кўчиев биз билан суҳбатда. — Давр тақозосига қўра ҳаётнинг ўзи шунинг тақозоси эди. Ўзбекистон улкан бунёдкорлик майдонига айланаётди. Унинг кичик бир нуктаси бўлиши туманимиз маркази-ю қишлоқлари ҳам бугунги янгилашларга монанд тобора ўзгариб бораёпти.


МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК, ТУРМУШ БЎЛАР ЧИРОЙЛИК

паркентликлар бунинг ўз тўманлари мисолида ҳис этишмоқда

Мустақиллик яратган чексиз имкониятлар кўпгина жойлар каби Паркент туманини ҳам гуллаб-яшнашига, сўлим ва обод бўлишига айланишига йўл очмоқда. Туман ҳокимиятининг бевоқиф раҳбарлигида ва меҳнат жамоаларининг ҳомийлик ёрдами тўғрисида йўлларини янада яхшироқ янгилашларга йўл очмоқда. Паркентнинг бугунги жамолига узукка қўйилган гавҳар қўздек ярашиб турибди.



300 нафардан зиёд йигит-қиз ёки маҳаллий аҳоли спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланмоқда. Унинг ёнидаги қўйноқда отақонлар шундай шароитларни яратганлар ҳақида дуо айтишиб, хордиқ чиқаришмоқда. Усти ёпиқ тўйхонада тўй маросимларидан ташқари тумандаги нуфузли тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Эндиликда ширкат ҳўжалиги Паркент шаҳридаги нураш ҳолига келиб қолган 340 ўринли 3-мактабни тўла бўлариб, ҳомийлик мададини



Дарҳақиқат ўзининг гўзал ва бетакор табиати мусоффо ҳавоси билан қўнчилиқни мафтун этган Паркентда бўлган одам бугун бу ердаги ўзгаришларга ҳавас билан қарайди. Туман марказида, чекка бир қишлоқда қурилиш, ободончилик ишлари кизгин олиб боришмоқда. Бу ишларга имкониятларни ҳам паркентликларнинг ўзлари топишяпти. Ҳозир туман маркази билан боғловчи катта магистрал йўл қайта таъмирланиб, кенгайтирилган ва ҳамма учун қўлай ҳолга айлантирилган. Унинг икки четида қизилган ановий гуллар эса доимо кўзни ҳамаштиради. Марказда ишга туширилган болалар бори кичкинтойлар билан ҳамма гавҳар. Алём арасида яратилган қатор қўлайликлар паркентликларни мамун этди. "Навбахор" ширкат ҳўжалигининг амалий ёрдами билан ҳудудда 240 ўринли янги мактаб қурилиб ишга туширилди. Туман ҳокимлиги мактабни 10 миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминлади. "Ўзбек-Турк маорифи" эса 20 миллион сўмлик замонавий компьютер техникаси билан синфлардан бирини жиҳозлади. "Бойкоз" ширкат ҳўжалигида иш бошлаган спорт мажмуаси ўзининг ягоналиги билан ажралиб туради. Айни пайтда бу янги ишшоотда бир пайтнинг ўзида



кўрсатмоқда. Умуман ширкат ҳўжалиги раиси Тохир Холтоевнинг эътирофи эътишча, биргина шу йилнинг ўзида бундай қўрилишларга ҳўжалик томонидан сарфланган маблағнинг 250 миллион сўмдан ортиси кўзда тутилмоқда. "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", деганлар ахир шу эмасми?

Туманда шу тарзда қатор соҳаларни ривожлантиришга, аҳолига қўлай шароитлар яратишга эришилмоқда. Қўни кеча марказий шифохонанинг болалар бўлими қайта таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланди. Бўлимнинг ўзи "Оналар ва болалар" бўлимига айлантирилди. Ҳомийлик бўлимини замонавий меъёллар билан таъминлади.

Бугун паркентликлар байрамни кўтаринки қайбютада қўтиб олишмоқда. Эришилган ютуқлар эса туманни янада гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда.



Аҳмад АЛИЕВ.
Суратларда: туманининг бугунги манзараларидан лавҳалар; туман ҳокими Мирзамаршб Кўчиев (ўртада) фаоллар даврасида.
Қўним ўлмасол олган суратлар.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМИ

Бугунги кунда янгилашни, эврилиш жараёнини бошдан кечириётган мамлакатимизда барча соҳаларда ишотлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар қўнчилиқни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши қўрашда янги босқични бошлаб берди. Судларнинг иштирослашуви, Конституцион суднинг ташкил этилиши, "Прокуратура тўғрисида"ги янги қўнуннинг қабул қилиниши фикримизнинг аққол исботидир. Мўҳими, инсонпарварлик, адолат таъминлиги таъинган қўнунларимиз моҳиятдан халқ хизматида. Демакки, халқ қўнунинг эмас, Қўнун-халқнинг хизматида.

"Жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисида"ги қўнун, айниқса, истиқлолимизнинг аҳолиб инъоми бўлди. Ваҳоланки, мустабид тузум даврида қўнун ҳақида бу каби гап бўлиши мумкин эмас эди. Мазкур қўнунинг минг йилликларга дахлдор қадриятларимиз инъикоси, истиқлол инъоми дейишга ҳақлимиз.

Либераллаштириш муносабати билан жазо қораларининг енгиллаштирилиши ўта оғир деб тоифаланганда жиноятлар сонини қамийиш замирида аввало, инсонпарварлик таъминлиги мўҳассам. Жиноятчилик бери, қўнуннинг оғирлиги билан туза-ти бўлмайди. Қўнунинг бугун ҳар қандай шахс-у қим бўли-шидан қатъий назар қўнун олдида жавоб берилиши тушуни-ши, яъни жазонинг мўҳарралигини таъминлаш жиноятчи-ни қўнунларимизга ҳўрмат қўзи билан қарашга ўргатади.

Истиқлол йилларида одамлар онги, дунёқараш ўзгариб, аммо гал ҳуқуқий маънавият ҳўсусида бора-бора экан, бу бора-да ҳали халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини давр талаби-га жавоб бериши, дейилмаган. Афсўсики, ҳали ҳам ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўла англамаётганлар учраб туради.

Мўзафар ЖАЛОЛОВ,
Бўҳор вилояти Тўқимачилик тумани
прокурори катта ёрдамчиси.

Автомобилчиларнинг байрам совғаси

ОҚ ЙЎЛ «ЛАСЕТТИ»!

Тўйларни тўёна билан қўтиб олиш халқимизнинг азалий одатидир. Мустақилликнинг 12 йиллигига муносиб совға тайёрлаганлар орасида "ЎзДЭУавто" қўшма қорхонасининг ишчан жамоаси ҳам бор. Бу ерда кўпдан бери орақиб қўтилиётган воқеа юз берди. Ўзбекистон шўҳратини дунёга таратаётган "Нексия", "Тико", "Дамас", "Матиз" автомобиллари қаторига "Ласетти" деб ном олган янги автомобил, шунингдек, автоматлашган узатмалар қўтиси билан жиҳозланган ва тақомиллашган "Матиз" автомобил қўшилди.

Янги автомобилларнинг тақдимот маросими ҳар доимидек катта байрамга айланиб кетди. Қорхона муҳандислари, ишчи-хизматчилари қўнунинг вилоят-ликамизнинг бошқа шаҳарларидан ташқир бурорган меҳмонлар шерик бўдилар.

Қарнай-сурнай садолари остида қўнунлардан чиқарилган қўни қамаштириб турадиган чиройли "Ласетти" ва "Матиз" — АТ русумли бир неча янги машиналар қўриб келди. Тўпланганлар дунё андозаларига мос, рақобатбардор бу автомобилларни олқишлар билан қўтиб олдилар.

Компаниянинг ижрочи директори И.Аҳмаджоннинг митинг-и ора туриб, янги русумли автомобилларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жўрий этиш зарурияти ҳақида гапирди. "Ўзавтосаноат" уюмисини раиси К.Парпиев тўпланганларни маъкур воқеа муносабати билан қўзғиниб қўтиб олди. У Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Андижон вилоятига Амр Темур ордени берилишида автомобилларнинг ҳам муносиб меҳнати борлигини қайд этди.

Шунингдек, митингга сўзга чиққан илгор ишчи А.Усмонов, "ЎзДЭУавто" қўшма қорхонаси бош директорининг ўринбосари Чанг Донг Вон ва бошқалар замонавий автомобиллар техно-логиясини ўзлаштиришга босқичма-босқич қадам қўйишга қўнунинг янада ошқоришга ишон бериши мўмкинлигини фахрлан-и таъкидлашди.

"Ласетти" (хар томонлама мўкамал деган маънони ифо-далайди) ном билан аталуви автомобил бу Жанубий Корея таъхассисларининг ўзлашти-риш натижасидир. Ишлаб чи-қариш дастурига мўвофиқ йн-яр уз ҳеҳида маъхус уқастка та-кил этилди. Ўнлаб мўтахассис-лар Жанубий Кореянинг Инч-

хон шаҳрида жойлашган Бў-пён қорхонасида маъхус ўқув тайёрларлигидан ўтиб келди-лар. Шу йилнинг охиригача бундай русумли автомобилдан 312 таси ишлаб чиқарилади. Бу янгилик қайси ҳўхлатла-ри билан қўшга ташланади? У ташқи томондан "Nubira" ав-томобилини эслатади. Италия компанияси мўтахассислари унинг дизайнини маҳорат бил-лан охирига етказишган. АКШ, Корея, Швеция, Испания, Ка-нада, Австралия, Буюк Брита-ния ва Хитой мамлакатлари йўлларида турли синволлардан мўваффақиятли ўтган.

Мўтахассисларнинг таъкид-лашича, Жанубий Корея бун-дан беш ой илгари мазкур турдаги автомобилларни илк бор экспортга чиқарган. Асо-сан Европа ва Шарқий Осиё мамлакатларидан "Ласетти" автомобилга катта талаб борлиги қўзғилиган. Ўзбеки-стон дунёдаги биринчи ва яго-на мамлакат сифатида Коре-ядан кейин бу ишга қўл урди.

Тантанали маросимда, Ан-дижон вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят ҳокимли-ги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳ-бари С.Юсуфов қатнашди ва сўзга чиқди. Сўнгги автомо-билини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдаги изланишлари учун бир қанча илгор ишчиларга, мўхандис-техник ҳодимларга мўқофот-лар топирилди.

Маъмуджон ИБОВЕ,
Тўқимачилик тумани
Тўқимачилик тумани

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўнгги рус истилоси икки босқичда ўз ҳуқимини давом эттирди. 130 йилдан ортқ бўлган бу мустабид тузум не-не разолат қабохат-ларини халқимиз бошига солмади дейсиз. Миллатини таҳрирлаш, унинг бойликларини хоҳла-ганича ўз юртига ташиб кетиш, миллий ва диний, умуминсоний қадриятларимизни оёқ-ости қўлганлар етмагандек, ўзбеклар по-рўху, ўзбеклар босмачи, каби таҳрирловчи бўҳтонларнинг охири йўқ эди. Ҳатто москвал-лик тарихчи олим, профессор Рой Медведев Италиянинг "Республика" газетаси муҳбири

зулла Хўжаев, Ақмал Икромов сингари давлат ва жамоат арбобларини мисол қилиб келти-риб ўтишмиз мумкин.

Мамлакатимизда мустақилликнинг рўёбга чиқишида Ўзбекистон раҳбари Исрол Каримовнинг муносиб ўлуши бор, албатта. Табиа-тин ишчан, сиёсий жиҳатдан етук, иқтисодий масалалар ечимини топа оладиган, бошқалар-дан мамлакат "ўлуши"ни ажратиб олишга ла-ёқати бўлган Исрол Каримов давлат тепасига келиши билан ҳеч қим қўтмаган тарзда янги-ча сиёсат юргиза бошлади.

Янги раҳбарнинг мустақиллик йўлидаги энг муҳим қадамларидан бири Москва "десантчи"-лари томонидан ҳуқуқий поймол этилган, ноҳақ жазоланган юртдошларимизни озод қилиш ва улар шаънини тиклаш билан боғлиқ бўлган иш-лардир.

Зиёлиларимизнинг давлат тили ҳақидаги қарашлари, халқ хоҳиш-иродасига тўғри кели-ши Исрол Каримовга маъқул тушди. Респу-блика Олий Советининг 1989 йил 27 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги қўнун қабул қилинди.

Мустақиллик йўлидаги бошқа шахдам қадам-ларга 1990 йил 23 мартда Ўзбекистонда бошқа-рувнинг Президентлик шаклига ўтиш тўғрисидаги қорор бўлди. Шундай қилиб, бу лавозимга бир овоздан Исрол Каримовни — Ўзбекистон Рес-публикаси Президентини қилиб сайлаш тўғрисида-ги қорорни маъқуллашди. Бу ҳақиқий мустақил-ликка дадил қадам бўлиб қўшилди. 1990 йил 20 июнда республика Олий Советининг иккинчи се-ссиясида "Мустақиллик декларацияси" қабул қилин-ди ва бу дунё халқларига тарқатилди.

Мустақилликнинг энг муҳим оламшумул ҳўж-хати эса 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгашининг VI сессиясида "Ўзбеки-стон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти ва "Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Қарорга қўра "1 сен-тябрь — Мустақиллик қўни" деб белгиланди ва бу қўн умумхалқ байрами ва дам олиш қўни деб белгилан қўйилди.

Мўлоҳазаларимизнинг бошида бобо ва на-биранинг савол-жавобларини келтирган эдик. Зиёдулла бобо Эшмонов икки урушдан кўрган,

суяғи меҳнатда қўтган оқсоқол бўлсалар-да, ҳўррият элининг ҳўсусий мулк эгаларидан бири бўлишида мустақилликнинг ўрни беқи-ёсдир. Бобо Сўрхондарё вилояти Олтинсой туманидаги "Қаптархона" жамоа ҳўжалигида фермер. Эшмонов бобо мустақиллик юрти осмонида қарақлаб турган қўш нуридан то-блани яшасалар-да, бир гални қайта-қайта айтишлар: "Ерга эгаллик қилишдек бахтни менга мустақиллик берди, ўрғилай Мустақил-ликдан!" дейдилар. Бу биргина сўрхондарё-лик фермернинг қўнунчи, толеининг ўнг кели-би, бахти қўнундан далолатдир. Бугунги кунда бундай бахтли инсонлар мамлакатим-изда юзлаб, минглаб топилади.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида оламшумул катта мўваффақиятлар қўлга киритилди. Ўзбекистон тарихида велосипед иш-лаб чиқаришни билмайдиган халқ бугун сано-атчилар сафидан, самолётчилар сафидан ва ниҳоятда ўзбек автобуси ва енгил автомаши-налари ишлаб чиқарадиганлар сафидан ўрин олди. Бугун нефть ва дон мустақиллигини қўлга киритдик.

Қўммуш камардек рагон йўллар вилоятларни вилоятлар билан боғлаб қўймасдан, балки қўшни мамлакатлар билан ҳам борди-келди алоқаларини боғлаб қўйди.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва қўрилиш, молия ва банк, комму-никация тизимлари, давлат қўрилишининг бо-шқа соҳаларида ҳам диққатга молик ишларни амалга оширдик. Шунингдек, таълим, тибби-ёт, фан соҳасини ислох қилиш йўлидаги иш-ларимиз ҳам таҳсинга лойиқдир.

Биз бугун ҳуқуқий-демократик ва фуқаро-лик жамияти қўриш йўлидан жадал суръатлар билан бораёпмиз. Ўзбекистонини дунёнинг 170 га яқин давлатлари тан олди. Жаҳоннинг энг қудратли давлатлари билан икки томонлама ва қўп томонлама ҳамкорлик алоқалари ўрна-тилди. Умуман олганда қўлга киритган ютуқ-ларимиз ўзимизники, ҳали олдинда қилинади-ган муҳим ишлар ниҳоятда кўпдир.

Худодан тилагимиз, орзу ниятларимиз қўп. Ҳаёт эса давом этаверсади ва қўнлар ҳам би-ри-бирини ортда қолдириб кетаверсади. Амалга ошириётган ишларимиз эса юртимиз ривож-и, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаверади. Ўтаётган йилларимиз чин маънода "Обод ма-ҳалла йили" деб номланишида янада раъзий маъно кашф этилганки, юртимиз, унинг барча ҳонадонлари ва гўшалари жаннатмақон — Ўзе-бекистонини обод ва қўркам қилади. Бу бахт Мус-тақиллик ҳаёда этган Озод, Хур, Эркин — Ўзе-бекистонга жўда ҳам ярашади.

Абдулҳамид ҚАБИБУЛЛАЕВ,
доцент.

ИФТИХОР ТҲЙҲУЛАРИГА ЙЎҲРИЛГАН ВАТАН

саволларига берган интервьўсида: "Ўзбеклар қадимдан порахўр, уларнинг томирида пора-хўрлик, босмачилик қўни ўша даврдан бўён оқиб келади", деб бўтун бир халққа "порахўр-лик" ва "босмачилик" тамгасини босиб қўйди. Ўша вақтда СССР халқ депутатлигига респуб-ликадан сайланган вакиллар Рой Медведев-нинг бу галини ҳақорат деб баҳоладилар. Ана шундан кейингина профессор кечирим сўра-ган тасвир таънади журналисти Раҳим Султо-новнинг Москвадан тайёрлаб юборган мате-риаллари орқали Ўзбекистон телевидение-сида намойиш этилган эди.

Бу ҳақоратлардан ғазабга келиб, халқимиз-нинг севилими шoirи Абдулла Орипов "Жа-воб" деган шеър ёзган эди:

Муруват нелигин билмас меҳмоним,
Қўзи оқ, еб тўймас, беқўним гадои.
Пора бўлибдими бир бурда номим,
Пора бўлибдими бир пиела чой...

Бу етти банддан иборат 28 қатор шеърни ўша қўнларидан ёд олганга ёшлар қолмаган эди. Улар ҳар жойда ана шу "жавоб" шеърни ўқиб юришарди.

Мустабид тузумнинг "оши" шўнақа, ё тузи, ё қаламйир кўпурқ бўларди. Бусиз "таом ейиш" мўтлақо мумкин эмасди.

Мустақилликнинг тамал тошини қўйишга муносиб хисса қўшган давлат ва жамоат ар-боблари, зиёлиларимиз жўда қўп бўлган. Биз уларга Абдулла Қодирини, Қўлпон, Абдулла Авлоний, Усмон Носир каби шoirларни, Фай-

Ўзбек турмуш тарзи

ТОШҚОБИЛ ОТАНИНГ БАХТИ

Тўрт ўғил, беш қизининг қамалини қўриб, 65 не-вара, ўндан зиёд чеваралари билан бугунги кунда шоду ҳўррам турмуш кечириётган 83 ёшли бўқали Тошқобил ота Абдиев мустақилликни доимо қадр-лайди. Умр бўйи меҳнат қилиб, даладан бери кел-маган ва аҳолий инсоннинг истиқлол боис қосаи оқариб, рўзғорига қўт-барака кирди. Фарзандлари меҳнати тўғрисида элда қадр топди. Топганлари яхши қўнларга, тўғралаб бўрди.



Агар ҳозир отанинг ҳонадо-ни ҳам бўлса, қўчага машина сийма қетади. Яқинда санаб кўрса болаларида Ўзбекистон-нинг қўша-қўша "Нексия"сию, "Дамас"идан тортиб, чет элининг "Ниссан" машинасигача ҳамма-си бўлиб ўнга енгил автомоби-ли бор экан. Бу ҳам албатта ҳўр-лик шароитидан. Ахир истиб-дод замонида машинани қўту-ринг, ҳатто битта от минсанг-сизга қим беришмасди.

Ҳозир ишляясиқимиз, ҳўхда-ганигача рохатини ҳам қўра-си. Мана отанинг ўнчинчи ўғли Исмоил Абдиев ўзи меҳнат қилаётган "Улуғбек" ширкат ҳўжалигида кейинги пайтда ба-рака қўтарилиб, жамоа қарзга

ботгани учун қараб туролмади: қариндош-уруғлар йил бошида ййилишиб, ўзларининг фермер ҳўжалиқларини ташкил этишди ва ҳўжалиқдан ажралиб чиқи-ди. Ҳозир бу ўн уч фермер ҳўжалиқининг банда ўз ҳисоб-рақами бор. Мустақил иш юри-тади. Уларга умумий раҳбарлик қилишни фермер Исмоил Аб-диев зиммасига олган. Натўжа-лар эса қўнунчи. Улар галла-дан мўл ҳосил етиштиришди. Энди ҳар гектар майдондан 32 центнердан пахта етиштириш

Рустам ДОСТОН,
"Адолат" муҳбири.


Суратларда: Тошқобил ота айём арасидада ўзини йўқлаб келган чеваралари билан; фермер Исмоил Аб-диев "Уста Панжи" фермер ҳўжалиги бошлиги Панжи Эшқуватов билан гўза ривожини қўздан кечирмоқда.



РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ— «ФАЛЛАБАНК» БОШҚАРУВИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
ШУ ЖУМЛАДАН, ЎЗ МИЖОЗЛАРИ ВА
АКЦИЯДОРЛАРИНИ, ҲАМКАСБЛАРИНИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги байрами билан чин дилдан табриклайди.
Жонажон Ватанимизнинг равнақи йўлидаги барча эзгу ишларда Сизларга омад тилайди.




АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН! ҚУТЛУФ ХОНАДОНИМИЗДАН ФАЙЗУ БАРАКА АСПО АРИМАСИН!
Кепажаги буюк давлат — Ўзбекистонимизнинг порлоқ истиқболи йўлидаги ишларингизда Сизларга ҳамisha омад ёр бўлсин!

«Ғаллабанк» — хонадонингизга барака келтирсин!

«ЖИЗЗАХПЛАСТМАССА» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ


Ўзбекистон халқини, ўз ҳамкорлари ва миждозларини Ватанимиз мустақиллигининг ўн икки йиллик байрами билан чин дилдан самимий муборакбод этади.



Юртимизга пинҳонлик, хонадонимизга фаровонлик, эзгу ишларингизда
уткан ютуқлар тилайди.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

тури Регистон майдонида йиғилган мингдан ортиқ томошабиларда, айниқси хорижий меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Буни ЮНЕСКОнинг бош конференцияси президенти Аҳмад Жалолӣ, фестивал танлов ҳайъати раиси Ким Шин Ван жаноблари, машҳур муסיқашунос бастакорларнинг самимий эътирофларидан ҳам пайқаш мумкин.



Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
“Адолат” мухбири.
Сураатда: фестивал
қатнашчиларидан бир
гуруҳи Регистон
майдоғида.

Фарзандим— ҳаётим боғининг энг хушбӯй гули, яшада-
буюк бахтни инъом этгувчи толғаримнинг сеҳрли нури, у-
мим давомчиси, ўтмишинг ҳамда келажагимнинг жонли ма-
навий заңжирисан. Орузларим чечаги— ўзинг. Камолнинг— ба-
тим. Озод ва обод Ватаниннг баркамол авлодисан. Юртга
миллатга, аҳдодларимизга муноиси бўл. Адашма, асло! Э-
ҳорига ярайдиган, истиклол ва эркини кадрлайдиган инсо-
булгин. Унутма, ота-онаси, oilаси, оға-иниларига меҳр-
қошбабли булган кишигига Ватанга сардоқати бўлади, дей-
шарди бобонг, бунинглр. Ватанга фидо бўлгуси жонинг-
менинг жонимдир.

Шаҳармада буюклар ўтмаган дейману, лекин дилимда: «Не-
ғизди?», деган савол тургилда. Амир Темур. Ибн Синодех да-
Имом ал-Бухорий, Нодира, Увайсий, буюк Алишёр Навоий менга
аждод бўлганин ёлғон эмас, чин. Аждодим, авлодим кинди-
қони туқилган муқаддас тупроқ, мен сени севам!

Файзли толғарининг Оллоҳ асрасин. Шуклули куларинг
кўз тиккан ғаниминг нигоҳи сўнсин. Мен сени севаман, Ватан

МОХИДА ШАҚАРОВА

Мусоқаб аввалида Ўзбекистон Кўраш федерацияси раҳбарлари сўзга чиқиб, Хўжабод туманидаги қўраш машур полновлар - Урта Осиё ва Ўзбекистоннинг бир неча марта чемпиони бўлган Шокир Усмонов, Сотвотди, Токтоғенбайларнинг номларини алоҳида таъкидлади.

Уларнинг доғини бугунги кунда Да Хитёр, Олимхон, Муҳаммад қодир, Авазбек, Анварбек ва бошқа унлаб ёш полновлар давом эттирмакда.

Беллашувларда Андиқон вилояти ва Ўзбекистон чемпионати полнов Хакимов пешкадам бўлиб, мининг соврини - рангли телеви зор топширилди. Шунингдек, бошқа полновлар ҳам ҳомийларини совғаларини олишди.

Темурийлар тарихи давлат музейида Истиқлолимизнинг 12 йиллигига бағишланган "Улуғимсан Ватаним" номили маънавий-маърифий илмий анжуман ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Фанлар Академияси, Халқаро Амир Темур хайрият жамғармаси, Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат маркази, Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар илқий тимийор ҳаракати, Тошкент шаҳар Полия болалар маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

Шоқли айди муносабати билан музейимиз жамоаси Амир Темур даврида яратилган Боғи банданд майдондаги яратилган уйма нақшли ноёб тош ҳузувча, қулолчилик буюмлари каби қатор янги ашёлар билан музей экспозициясини бойитди, - деди Темურიёлар тарихи даври Давлат музейи директори Нозим Хабибуллоев "Туркiston.ресс" мухбирига. - Мовароуннахрда ҳужумкорлик қилган эмирларидан сиймоси, фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи "Темурий шахзодалар", ватанизмнинг истеъдодли раҳбарлари томонидан яратилган буюк саркарда Амир Темурнинг бадалли, ўсимликдаги ҳаёти, заварли юришлари, қўли билан қилган ҳаётий меъорий обидаларни ўқинишларини каъ эътирвчи ранг тасвирлар асарлар қўйилган. "Амир Темур ҳаётиндан лаҳзалар", Шоҳруҳия ҳароба-лариди олиб борилаётган археологик қазилмалардан тозилган қулолчилик маҳсулотлари, қадимий мис тангаларни ишчидашлар жой олган.

Шоҳруҳиядаги тоғиймалар, маҳаллардан етишиб чиққан ҳунармандларнинг турли қўрничида яратган буюмларни намойиш этилган "Қўли гул халқим" каби қургузмалар, тоғиймалар эътиборига ҳавола этилди.

Амир Темурнинг ўсиб келиши, ўсмақлик ва баъзи қили адобиётда Амир Темур образини талқини, Муслимийлик ва Ўзбекистонда темурунчилиги, Хондამир-Темуриёлар даври тарихисини, Амир Темур давлатчилиги тарихидан каби маърузалари билан иштирок этилди.

Муъжизгина “Санъатим — дил сайқали” номли китоб (Карши, “Насаф” нашриёти, 2002 йил) кўлимига тушиб қолди-ю, берилиб ўқиб чиқди. Муаллифи — мубораклик мактаб ўқувчиси Нарғиззат Раҳимованинг санъатга, шеърингга ошифта митти қалби мени ўзига ром этди. Айниқса, санъатининг рақс турига, шеъринингнинг халқ оғзига ижоди — фольклорга бўлган қизиқиши — нур устига аъло нур, дегулик.

Дарвоке, Наргизанинг "Санъат гулчлари", "Санъат байрами", "Нихол" кўрик-танловларининг туман, вилоят, республика босқичларида фаол иштироки ва уларда фахрли уринлар соҳибаси бўлиши бағоят диккатга молик. Фольклор-этнографик дастларда "Тўй маросимлари", "Меҳнат кушчилари" ва она дийр ҳақидаги қадимий кўй ҳамда лапарларимизни замонавий мусиқамиз билан уйғунлаштириш борасидаги

ган халқимизнинг қувонч ва суюнчлари ҳамда орзу-тилақларини "Иқбол" шеърида халқона оҳангда ифодалаб дейди:

Ўзлимни топанларим рост
булсин.
Ўзлимни кўрлмаган паст
булсин.
Истиқлолим — Истиқболим,
бахтим менинг.
Ўзбекистон — она — Ватан,
жоним менинг.

Биз ҳам унинг яна бир шеърида айтилгандек, "орзуларнинг ойдin йўлида зғуликнинг кўлидан тутган" ҳалқимиз мустақиллигининг боқийлигини ва айни пайтда шу сатрларни битган истеъдод гунчаси — синглимиз Наргизахон ижодининг баркамол бўлишини тилаб қоламиз.

Ҷилола САЛОЕВА,
ЎЗМУ журналистика факультетини
4-курс талабаси.

Мустақиллигимизнинг ўн иккинчи йиллиги арафасида Бухоро туманида 100 ўқувчига мўлжалланган спорт мактаб-интернати қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Ишларни икки сменада ташкил этишимиз қурилишни киска фурсатда тутгаллаш имконини берди, - деди "Бухороқурилишгаолишлабчиқариш" корхонаси раҳбари Азим Сатторов "Туркистон-пресс" муҳбирига. – Мақтабда синфхоналар ва спорт залидан ташқари, футбол, волейбол ва баскетбол майдонлари қурилди. Неъмат Исमतов бошличилидаги гуруҳ пардозлаш ишларини олиб борди.

А. Сатторовнинг таъкидлашича, мазкур қурилиш корхонаси байрам арафасида Бухоро, Ғиждувон ва Пешку туманларида ҳам янги иншоотларни топширишга тайёргарлик кўрмоқда.

«ЯНГИЙЎЛЎҒМОЙ»


ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ХАЛҚИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ИККИ ЙИЛЛИГИ
БИЛАН ЧИН ДИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ. ЮРТИМИЗДА ҲАМИША
ТИНЧЛИК, ОСУДАЛИК, ФАРОВОНЛИК БЎЛИШНИ ЯРАТГАНДАН ТИЛАЙДИ.

ЎТган ўн икки йиллик нурафшон ва фарахбахш йилларда мустақил ўзбекистонимиз фоят самарали
ютуқларга эришди. иқтисодиёти ривожланиш палласига кирди. ҳудди шунингдек, бизнинг корхонамизда
ҳам ўзига хос ўзгаришлар — технологиянинг янгилааниш жараёни босқичма-босқич рўй берди. натижада
ишлаб чиқариш яхшиланди. маҳсулот ҳажми ўсди. сифат кўрсаткичи ортди. бу ўз навбатида ишлаб
чиқарган маҳсулотларимизни маҳаллий ва жаҳон бозорларида машҳур бўлиб кетишига олиб келди.

АВИЗ ЮРТДОШЛАР!

СИЗЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНГИЗДА ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ.
ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ — ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Муассис:
Ўзбекистон
«Адолат»
СДП Сийёсий
Кенгаши ва
«Адолат»
газетаси
ижодий
жамоаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АХМАДАЛИЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т.О.ДАМИНОВ, А.Ф.ГУЛОММАХМУДОВ, А.ЖЎРАБОВЕ, Р.Р.ҲАЙДАРОВ,
К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Б.ТОШЕВ, Р.М.АЗИМОВ,
Т.И.ЭРГАШЕВ, А.МАМАЖОНОВ, Ў.Ф.ЖЎРАЕВ, М.Б.РАҲМОНОВ, Н.НУР-
МАТОВ, Д.Ф.ТОШМУҲАМЕДОВА, З.Т.ТЎРАКУЛОВ (ўз мухбир).

МУЛОҚОТ УЧУН
ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 136-53-14
Факс: (8.371) 133-41-89
Хатлар бўлими — 136-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон
Республикаси Давлат
Матбуот қўмитасидан
140 рақам билан
руйхатдан ўтган.
Буюртма Г— 700,
Адади 1896
Ҳажми—2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Саҳифаловчи —
Бекзод Нуриматов

Навбатчи—
Зафар Калонов

Газета ИБМ компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти: —:—:.